

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТОШПУЛАТОВА ШАХЛО ОЧИЛОВНА

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
(Физика дарслари мисолида)

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Тошпулатова Шахло Очиловна

Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш
(физика дарслари мисолида).....3

Тошпулатова Шахло Очиловна

Развитие логического мышления учащихся
(на примере уроков физики).....22

Toshpulatova Shakhlo Ochilovna

Development of logical thinking of students on the example of physics
lessons.....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....44

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТОШПУЛАТОВА ШАХЛО ОЧИЛОВНА

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
(Физика дарслари мисолида)

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped40 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибраимов Холбой Ибраимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодиев Нарзикул Шодиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Қаххоров Сиддиқ Қаххорович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__»_____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-12-29; факс:(0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Самақанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «__»_____куни тарқатилди. (2019 йил «__»_____даги ___ - рақамли реестр баённомаси).

М.М.Махмудова
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раис ўринбосари, п.ф.д., профессор

М.А.Файзиев
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Ш.Шодиев
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсон капиталига бўлган эҳтиёжнинг ортиши «ақл ва мантик» категорияларига турли маданий, таълимий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни назорат қилиб турувчи, ёшларнинг фаолиятига баҳо берувчи зарурий ўлчов сифатида қаралишига сабаб бўлмоқда. Дунёнинг етакчи таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг интеллекти ва дунёқарашини ривожлантиришда табиий фанларни ўқитиш, интеграллашган интерфаол таълим технологиялари, виртуал ва экспериментал лойиҳаларни жорий этиш орқали таълим олувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали механизмлари йўлга қўйилмоқда.

Жаҳонда кенг қамровли тушунча сифатида «ақл» концептини таҳлил қилиш, табиий ва аниқ фанларни ўқитишда таълим олувчиларни мантиқий фикрлашга йўналтириш, таълимнинг компетенциявий талаблари таркибини мантиқий фикрлаш даражасига оид мезонлар, хусусиятлар асосида кенгайтиришга оид илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилиши кузатилади. Глобаллашув ва ахборотлар кўламининг интенсификашуви шароитида физика фанидан билимларни танқидий ва ижодий ёндашувга кўра эгаллаш, табиат қонунлари ва борлиқ инъикосида мантиқий фикрлашнинг бирламчи функцияларини тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотлар фаннинг жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги таъсирини ошириш, ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, манфаатларини рўёбга чиқариш шароитларини яратиш, таълим сифати ва самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш борасидаги изчил ислохотлар натижасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқув жараёнида ўқувчилар мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ғоясини кенг татбиқ этиш имкониятлари оширилмоқда. Шунингдек, физикани ўқитишда ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш технологиялари таркибини кенгайтириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини кўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш»¹ каби устувор вазифалар белгиланиб, бу борада физика ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш амалиётини таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш мезонларини аниқлаштириш, ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишлари ва ўз қобилиятлари, мойилликларига мувофиқ малакаларни эгаллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

стратегияси тўғрисида» ги ПҚ-4947 сон, 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ 3304-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сон қарори ҳамда умумий ўрта таълим тизими фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. И.А.Каримов асарлари, мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг янги босқичи муаллифи Ш.М.Мирзиёевнинг асарларидаги маънавий-ахлоқий кадрларни, миллий ўзликни англаш, мустақилликни янада мустаҳкамлаш борасидаги билдирилган изчил фикрлар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасида физика ўқитишни модернизациялаш босқичида ўқувчининг ўзлаштириш фаолиятини бошқаришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, чуқур билимларга эга, мантикий мушоҳада қилувчи, амалий кўникма-малакаларни эгаллаган, рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёж билан белгиланади. Шу боисдан, таълим мазмунини бойитиш шакл ва методларига бағишлаб (физикани ўқитиш мисолида) В.Г.Разумовский, Р.И.Малафеев, А.И.Фетисов, Ш.Шахмаев, Д.Ш.Шодиев, М.Джораев, Б.М.Мирзаахмедов, У.Бегимкулов, К.Турсунметов, А.Бахромов, С.Қаххоровлар илмий изланиш олиб борганлар.

Таълим тизимида ўқувчиларнинг фикрлашини ривожлантириш ва бунда ўқитувчининг касбий компетентлигини орттиришга доир тадқиқотлар педагог-олимлар Р.Джураев, Б.Ходжаев, О.Газман, Э.Зеер, Л.Тарита, Е.Казакова, Е.Александрова, М.Певзнер, А.Маслоу, А.Комбас ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Педагог-олимлар А.Абдуқодиров, Р.Джураев, У.Иноятов, О.Мусурмонова, Х.Ибраимов, Ш.Абдуллаева, Д.Рўзиева, Д.Шарипова ва бошқалар томонидан бўлажак мутахассисларнинг интеллектуал ривожланиш масалаларининг турли жиҳатлари тадқиқ этилган.

Талабаларнинг рефлексив мушоҳада юритиш, коммуникатив компетенциясини такомиллаштириш, самарали мулоқот технологиялари ва техникасига тайёрлашнинг илмий-педагогик ва амалий технологик жиҳатлари М.Абдуллаева, А.Нурманов ва бошқалар, ақлий тарбия

муаммолари ва уларни физика дарсларида амалга ошириш муаммолари Б.Мирзахмедов, Н.Мамадиёров, А.Абдуваҳобовлар томонидан тадқиқ этилган.

Шу билан бирга илмий манбаалар таҳлили умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида физика дарсларида мантикий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш масаласи бозор иқтисодиёти шароитида тўлақонли ўрганилмаган ва бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда етарлича ўз ечимини топмаганлигини кўрсатди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Ф1-ХТ-1-31247-“Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш қобилиятларини ривожлантириш стратегияси” (2012-2016 йиллар), ПЗМВ-2014-0902125611-рақамли «Мактаб педагогик жамоасини ўзини ўзи ривожлантириши учун маданий-ижодий муҳитни яратиш ва лойиҳалаш методидан фойдаланиш» (2014-2016 йиллар) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади физика фанини ўқитишда ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавзуга оид назарий, фалсафий, педагогик-психологик манбаларни ўрганиш асосида таълим жараёнида ўқувчиларда мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш долзарб муаммо эканлигини асослаш;

физика ўқитиш жараёнида ўқувчиларда мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг амалиётдаги аҳволини аниқлаш;

муаммонинг хорижий ва Ўзбекистон педагогика назарияси ва амалиётидаги мавжуд ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг мантикий фикрлаш мезонларини аниқлаш;

ўқувчиларда мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишлари ва ўз қобилиятлари, мойилликларига мувофиқ малакаларни эгаллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятларидаги 8 та умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига 802 нафар ўқувчилар жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети таълим жараёнида ўқувчиларда мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш мазмуни, омиллари, имкониятлари ва йўллари.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқот жараёнида муаммога оид фалсафий, социологик, педагогик ва психологик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш; ДТС, ўқув режалари ва дастурлари, дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни ўрганиш; ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўров, тест); педагогик тажриба-синов; мониторинг; натижаларни математик

статистик қайта ишлаш ва кваллиметрик таҳлил қилиш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мантикий фикрлашни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар таркиби (физиологик, психологик ва педагогик) муайян ақлий операциялар (анализ, синтез, қиёслаш, умумлаштириш, хулоса ва ҳукм чиқариш) кетма-кетлиги ва моҳиятини очиб бериш асосида аниқлаштирилган;

ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш босқичлари педагогик ёндашувларнинг (муаммоли таълим методлари, интерфаол технологиялар, дидактик ўйин, халқ педагогикаси) когнитив, креатив, мотивацион фаоллаштириш имкониятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва таъсирлашув хоссаларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятлари даражасини (тафаккур мустақиллиги, ўзлаштириш мустаҳкамлиги, фикрлашнинг тезлиги, мазмунни идрок этиш, танқидийлик) аниқлаш жараёнилари физика ўқитишда қўлланилаётган интерфаол методларнинг амалий хусусиятларига (интуитив, мантикий, гнесеологик) устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

физика фанидан ўқувчиларининг мантикий фикрлаш фаоллигини оширишга қаратилган илмий-методик таъминот ижодий машғулотлар ва тўғарақларда сифат масалаларига оид интегратив функционалик (ўқитиш, хотира, идрок, мақсад, англаш) киритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мантикий фикрлашни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар мавзуга оид назарий, фалсафий, педагогик-психологик манбаларни ўрганиш асосида ташхислаш ва ривожлантиришнинг ташкилий-интегратив моделлари ишлаб чиқилган;

физика ўқитиш жараёнида ўқувчиларда мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш самарадорлигини баҳолашнинг кваллиметрик таҳлили такомиллаштирилган;

муаммонинг хорижий ва Ўзбекистон педагогика назарияси ва амалиётидаги мавжуд ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида ўқувчиларининг мантикий фикрлаш мезонлари аниқлаштирилган ва амалиётга тадбиқ қилиш механизмлари такомиллаштирилган;

физика дарсларида ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантирувчи сифат масалалари жамланган ўқув-услугий қўлланма ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишлари ва ўз қобилиятлари, мойилликларига мувофиқ малакаларни эгаллаш бўйича илмий-методик таъминот яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Таълим жараёнида ўқувчиларда мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш муаммоси республикамиз ва хорижий давлатлар тадқиқотчилари томонидан қўлланилган илмий-педагогик ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, кенгайтирилган таҳлиллар

тадқиқот мақсади, предмети ҳамда педагогик вазифалар моҳиятига мувофиқ тадқиқот методларининг танланганлиги, тажриба-синов ишларига жалб этилган ўқувчилар сонининг талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов ишларининг статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик-статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги, олинган натижаларнинг аниқ методлар ёрдамида текширилганлиги, тўпланган материалларнинг диссертация мазмунини ёритишга имкон берадиган ҳажмда эканлиги, диссертация мазмунининг илмий журналларда чоп этилган мақолалар ҳамда илмий анжуманлардаги маърузалари орқали оммалаштирилганлиги ва маъқулланганлиги, хулоса, таклифлар ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижалар давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

Ишлаб чиқилган тавсиялардан ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари, малака ошириш курслари тингловчилари фаолиятини такомиллаштириш, таълим самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг интеллектуал-ижодий ривожланишларини янги босқичга кўтариш ва физика ўқитиш методикасини бойитишда самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертация ишида фойдаланилган илмий асосланган маълумотлар, тақдим этилган методлар, технологиялар ҳамда тадқиқот давомида ишлаб чиқилган дастур, модел ва тавсиялардан қўлланмалар тайёрлашда, физика дарсларини такомиллаштиришда, физика ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган машғулотлар дастуридан умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик жараёнда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини физика дарсларида ривожлантириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

физика таълимида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш босқичлари, муаммоли таълим методлари, интерфаол технологиялар, дидактик ўйин, халқ педагогикасидан фойдаланиш имкониятларини интеграциялашга оид таклифлари асосида «Физикани ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш» номли ўқув қўлланма тайёрланган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган (Халқ таълим вазирлигининг 2017 йил 6 ноябрдаги 01-02/1-7-469-сон маълумотномаси). Ушбу ўқув қўлланма физика таълими самарадорлигини ошириш, олий, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ўқитувчилари учун методик таъминотни бойитиш, ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган физика дарсларини ташкил этиш имконини берган;

ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятлари даражаси, физика ўқитишда инновацион методлар, интуитив, мантиқий, гнесеологик ва амалий хусусиятларга оид таклифларидан 5110200-Физика ва астрономия ўқитиш

методикаси бакалаврият таълим йўналиши, Педагогика таълим соҳаси магистратура таълим йўналишлари учун малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 декабрдаги №89-03-4171-сонли маълумотномаси). Мазкур малака талаблари физика ва астрономия ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган ўқув дастури ва услубий таъминотини мантикий фикрлаш компетенциясини ривожлантириш асосида такомиллаштиришга хизмат қилган;

мантикий фикрлашни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар, мантикий фикрлаш фаоллигини оширишга йуналтирилган илмий-методик таъминот, сифат масалалари ва ижодий тўғаракларга оид таклифлар ПЗМВ-2014-0902125611-рақамли «Мактаб педагогик жамоасини ўзини ўзи ривожлантириши учун маданий-ижодий муҳитни яратиш ва лойиҳалаш методидан фойдаланиш» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 декабрдаги №89-03-4171-сонли маълумотномаси). Натижада мантикий фикрлашни шакллантириш ва ривожлантиришда назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш, ушбу жараёнларнинг фундаментал асосларини тавсифлаш имконияти юзага келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 2 та ўқув-услубий қўлланма, 1 та ўқув қўлланма. Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 та республика, 1 та хорижий журналларда, 13 та халқаро ва республика илмий-амалий конференция тўпламларида, 4 та хорижий журналларда мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муамонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари**» деб

номланган биринчи бобида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ҳар томонлама баркамол, комил инсонни тарбиялаш учун физика дарсларини замонавий лойиҳалаш, уни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва бошқариш ва бу жараённинг самарадорлигини таъминловчи таълим сифатини тубдан ўзгартириш, замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор методларини жорий этиш орқали ўқувчиларда мантиқий фикрлаш механизмларини такомиллаштириш, жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиш, интерфаол таълимни ривожлантириш шарт-шароитлари, бу жараёнда ўқитувчининг тутган ўрни ва фаолият мазмунини аниқлаш масалалари ёритиб берилган.

Глобаллашув ва ахборотлар кўлами ниҳоятда кенгайиб бораётган ҳозирги даврда ахборий хуружларнинг жадаллашуви ўқувчиларнинг мазкур ахборотлардан ҳимоялана олиши, уларни тўғридан-тўғри қабул қилмасдан, танқидий ва креатив ёндашув асосида кўриб чиқишлари ва мантиқий фикрлаш орқали ўзлари учун муҳим ва фойдали бўлганларини ажратиб олишларини талаб этади. Бу эса мантиқий фикрлаш жараёнида кечади.

Бугунги кунда мантиқий фикрлаш тушунчасининг аниқ таърифининг ҳалигача ишлаб чиқилмаганлиги муаммога диалектик нуқтаи назардан ёндашувни талаб қилади.

Фикрлаш – шахс билиш фаолияти жараёни бўлиб, воқеликни бевосита ва умумлашган ҳолда акс эттириш билан характерланади. Фикрлаш фанлараро тадқиқотларни, комплекс фанларни ўзида мужассамлаштиради.


Мантиқий фикрлаш – фикрлашнинг олий поғоналаридан бири бўлиб, изчиллик, кетма-кетлик асосида фикрларнинг боғланишини билдиради ва шахс ижодий фаоллигининг муҳим қиррасини ўзида акс эттиради. Ўз навбатида шахсда мазкур сифатларни таркиб топтириш демократик ва инсонпарвар жамиятнинг фаол аъзосини шакллантиришга имкон беради.

Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини шакллантириш – яхлит тизим сифатида таълимнинг мақсади, ўқитувчи фаолияти, ўқувчи фаолияти, таълим натижаси, таълим мазмуни, шакл, метод ва воситаларни ўз ичига қамраб олади.

Физика дарсларида ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг натижаси дидактик жараённинг мақсади, ўқув материалининг мазмуни, ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг тўғри ва оқилона белгиланганлиги ҳамда танланганлигига боғлиқ бўлиб, мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш муваффақиятли амалга ошиши учун фаол таъсир этувчи омилларнинг мавжуд бўлиши талаб этилади.

Тадқиқот натижасида ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга таъсир этувчи асосий омиллар аниқланди. Булар: физиологик, психологик, ижтимоий, педагогик ва методик омиллардир.

Тадқиқот натижалари асосида мантиқий фикрлашни шакллантиришга таъсир кўрсатувчи физиологик омилларининг ташкилий-интегратив модели ишлаб чиқилди (1-расм).




1-расм. Мантиқий фикрлашни шакллантиришга таъсир кўрсатувчи физиологик омиллар

Шунингдек тадқиқот натижалари асосида мантиқий фикрлашни шакллантиришга таъсир кўрсатувчи психологик омилларнинг ташкилий-интегратив модели ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Мантиқий фикрлашни шакллантиришга таъсир кўрсатувчи психологик омиллар

Тадқиқот натижалари асосида мантиқий фикрлашни шакллантиришга таъсир кўрсатувчи педагогик омилларининг ташкилий-интегратив модели ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи педагогик омиллар

Юқорида келтирилган фикрлардан аён бўлдики, мантиқий фикрлашни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар яхлит кўринишга эга бўлиб, тадрижий тавсифга эгадир. Яъни, мазкур жараёнга таъсир этувчи маҳсулдор сабабларнинг тўпланиб бориши, уларнинг табақалашуви, таъсир доираси уларни умумий омиллар тарзида жамлашга имкон беради. Физика дарсларида мантиқий фикрлашни шакллантиришга таъсир этувчи омилларни билиш ва уларнинг таъсир этиш даражасини баҳолай олиш ўқитувчидан ижодкорликни, махсус компетенцияларга эга бўлишни талаб этади.

Диссертациянинг «Ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитлари» деб номланган иккинчи бобида таълим жараёнини модернизациялаш босқичида ўқувчининг ўзлаштириш фаолиятини бошқариш муҳим педагогик масала сифатида қаралади.

Тадқиқот натижасида физика ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш мезонлари қуйидаги кўринишда намоён бўлиши аниқланди:

1. Тафаккурнинг мустақиллиги;
2. Ўқув материални ўзлаштиришнинг тезлиги ва мустаҳкамлиги;
3. Стандарт бўлмаган вазифаларни ҳал қилишда зеҳн (фикрлашнинг) тезлиги;
4. Ўрганиб чиқиладиган физик ҳодиса қонунларларининг мазмунига чуқур кириб бориш (муҳим бўлган назарияни муҳим бўлмаган назариядан ажрата билиш);
5. Фикрлашдаги танқидийлик.

Физика дарсларида ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш мақсади ва мазмуни ўзаро биргаликдаги ҳаракат мутаносиблигида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Таълим жараёнидаги ўзаро ҳамкорлик натижасида ўқувчиларнинг узлуксиз ривожланишлари ва ўқув-билув фаолиятининг эркин, инсоний муносабатлар ва демократия тамойилларига асосланганлиги кафолатланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўқувчининг шахсий сифатлари, яъни унинг умумий кадриятларга бўлган муносабатини намоён қиладиган, шахсий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларини ривожлантиришга қаратилади.

Физика дарсларида ўқувчидан: 1) ижтимоий жиҳатдан мослашиш ёки вазиятни ташкил этиш жараёнида фаол ижодий фаолият кўрсатиш; 2) ўз фаолиятини мустақил ташкил этишга асосланган ижодкорлик, таълим олиш, ўрганиш, ўз-ўзини тарбиялаш педагогик фаолиятнинг мақсади сифатида талаб этилади.

Физика дарсларида ўқитувчининг таълим-тарбиявий фаолияти босқичма-босқич, ўзаро тенг имкониятларга эга бўлган ҳамкорлик асосида ташкил этилади.

Шундай қилиб, ўқувчиларда мантиқий фикрлаш кўникмаларига эга бўлишлари учун физикани ўқитишда методларнинг интуитив, мантиқий, гносеологик ва практик томонлари бир бутун деб қаралади.

Ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун йўналтирилган топшириқлардан фойдаланиш кўп ҳолларда лойиҳалар методини, тадқиқот методини, дастурлаштириш ва муаммоли ўқитиш методларидан фойдаланишни тақозо этади.

Ўқувчиларда физикага оид билимларини кенгайтиришда дидактик методларнинг методологик асосларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқитиш мақсадларига эришиш йўлидаги фаолият усулларининг реал бойлигини кўрсатиш, ўқитувчилар ихтиёридаги ўқитиш методларининг бой хазинасини оммалаштириш илғор технологиялардан фойдаланиш бу борадаги саъй-ҳаракатларни юқори поғоналарга кўтарилишига замин ҳозирлайди.

Маълум босқичларда методларнинг янги гуруҳлари ажралиб чиқади. Физикани ўқитишни модернизациялаш жараёнида ўқитиш методларининг аҳамияти методологик умумий тан олинган жараён ҳисобланиб, физика дарсларида ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга асос бўлади.

Диссертациянинг «**Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда инновацион методлардан фойдаланиш тизими ва унинг самарадорлик даражаси**» деб номланган учинчи бобида талабаларда мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожланганлигини ўрганишниг прогностик ва квалиметрик методлари, тажриба-синовнинг ташкил этилиши ва мазмуни, статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган.

Тадқиқот натижаларига кўра ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда қуйидаги иш шаклларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга: физик ҳодиса ва жараёнларни таҳлил этиш, муаммоли дарсларни ташкил этиш, тасаввурларни ва образли қарашларни шакллантиришга йўналтирилган сифат масалаларидан фойдаланиш; кейслар билан ишлаш; гуруҳий иш шакллари ва дебатларни ташкил этиш; дарснинг ўқув технологик харитасини тузиш; ижодий тугараклар ташкил этишдан иборатдир. Тажриба синовда қуйидаги лойиҳалардан фойдаланилди (1-жадвал):

Дарс лойихаси

№	Модулларнинг мақсади	Модулларнинг мазмуни
1.	Мотивациялаш	Гуруҳларни ташкил этиш. Тақсимот. Дидактик ўйин.Мени тушун.
2.	Эҳтиёжни аниқлаш	Нимани билади, нимани билишни хоҳлайди , аниқлаш
3.	Янги мавзунини ўрганиш	Маъруза, ақлий ҳужум. Тақдимот
4.	Ўқитувчининг фикридан ўзига керакли хулосалар чиқариш.	Сифат масалалари
5.	Дарсда иштирок этганларнинг янги мавзу бўйича ўзлаштириш даражасини аниқлаш.	Репродуктив ва ностандарт тест топшириқларни бажариш.
6.	Баҳолаш.	Таълим- тарбия жараёнини самандорлиги.Дарс натижасида сиз?

Юқоридаги дарс лойихасида берилган методлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўқув мақсадларининг узлуксиз таълим тизимида баҳолашни ва квалитетик таҳлили қуйидаги жадвал орқали ифодаласак (2-жадвал), табиат ҳодисаларининг мантиқий кетма-кетлигини, айниқса фикрлаш ва умумлаштиришни бажара оладиган ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш, мантиқий фикрлаш қобилиятларини физика дарсларида шакллантириш учун уларнинг ақлий операциялар: анализ ва синтез қабилардан тафаккур жараёнида фойдаланишга ўргатиш имконини беради.

2-жадвал.

Ўқув мақсадларининг узлуксиз таълим тизимида баҳолашни ва квалитетик таҳлили.

Узлуксиз таълим турлари	Ўқув ва тарбия мақсадларининг квалитетик таҳлили	Машғулотдаги интерфаол методлар
Мактабгача таълим	Кузатиш, мослашиш, эслаш...	Иллюстрация (расмда тасаввурни акс этиши) методи, халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш (кун ва тун ҳақидаги эртақлар, ҳикоялар), ҳаракатли ўйинлар
Умумий ўрта таълим	Кузатиш, эслаш, билиш, тушуниш, мисоллар келтириш, умумлаштириш...	Сўз тузиш, мени тушун, ҳодиса ва сабаб методи, пинбоард, кластер, масалалар ечиш, Венн диаграммаси, демонстрация(намойиш қилиш)
Ўрта махсус касб хунар таълими	Кузатиш, эслаш, билиш, тушуниш, мисоллар келтириш, умумлаштириш, амалиётда қўллаш, лойиҳалаш, моделлаштириш...	Заковат саволлари, БББ методи, кластер, бинго, синквейн, гуруҳларда ишлаш
Олий таълим	Кузатиш, эслаш, билиш, тушуниш, мисоллар келтириш, умумлаштириш, амалиётда қўллаш, лойиҳалаш, моделлаштириш, таҳлил, синтез, хулосалаш...	ФСМУ, кубик методи, дебат (баҳс мунозара) методи

Интерактив методларнинг афзаллиги, самарадорлиги шундаки, дарсларда ўқувчилар ғоялар, қарашлар ва берилган баҳсларга ўз фикрларини билдирибгина қолмай, балки ўқувчиларнинг улкан маълумот салоҳиятларини фаоллаштириш ва ўқув жараёнидаги ижобий вазифага тааллуқли мусобақада ўз кучидан тўла фойдаланишни тақозо этади: гуруҳнинг интеллектуал кучи бир ўқувчининг интеллектуал кучи миқдоридан доимо юқори бўлади.

Интерактив ўқитиш методи аудиторияда шериклик атмосферасини яратиш учун аниқ имкониятларга эга. У яхши дарс ўтишнинг тайёр рецепти бўлмасдан, мазкур ўқитиш методига асосланган таълим технологияси ўқитувчини ижодий муаллифдоши тартибида ишлашга ўргатади. Натижада ўқувчи ҳаётнинг, ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай ўзгаришларига кўра ўзининг стандарт бўлмаган хулоса ва қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш малакасини эгаллайди.

Амалиётда интерактив методни қўллаш мулоқотни амалга оширишнинг ортишидир. Бундай ҳолатнинг муҳим шартларидан бири физика соҳасига оид шахсий тажриба тўплашдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, физика дарсларида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун уларда ақл сифатларини, умумий ақлий қобилиятларини ривожлантириш зарур. Н.С.Лейтеснинг кўрсатишича, олий нерв фаолияти хусусиятларида активлик ва ўз-ўзини тартибга солишнинг айрим шарт-шароитлари яширинган бўлиб, булар умумий ақлий қобилиятларни таркиб топтиришнинг муҳим ички шартларидан биридир. Ушбу лойиҳа асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва баҳолаш ҳамда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш мумкин. Тажриба-синов ишларининг мақсади инновацион методлар ва сифат масалалари ёрдамида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш мазмуни, усуллари ва педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришдан иборат деб белгиланди. Ўқувчиларга мантиқий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда қуйидагиларга асосланади.

Мантиқий фикрлаш мотивацияси – ўқувчи фикрлаш дунёсининг субъектив томони бўлиб, у ўзининг ташаббуслари ва имтиёзлари, у амалга ошираётган мантиқий фикрлаш эҳтиёжлари билан белгиланади. Мавзу бўйича ўқитиш фақат қизиқиш билан асосланиши мумкин эмас, чунки ўқувчиларнинг қизиқиши асосан хаотик кўринишдаги баҳс – мунозара, фикр алмашиниш ва мустақил фикр билдириш орқали намоён бўлади.

Ўқувчиларда физика ўқитиш жараёнида мантиқий фикрлаш методларидан фойдаланиш ва шу асосда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун дарсларни замонавий мазмун асосида лойиҳалаштириш лозим (4-расм).




4-расм. Ўқувчилар мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш модели.

Ўқувчиларга мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқларни тақдим қилиш натижасида физика ўқитувчиси улардаги аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, ривожлантириш, умумлаштириш, оммалаштириш, янгиларини яратиш фаолиятига алоҳида эътиборини қаратиши керак.

Тажриба-синов ишлари жараёнида ўқувчилардаги мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожланганлик даражасини аниқлашнинг қуйидаги мезонлари шакллантирилди (5-расм).

Ушбу мезонлар асосида респондент ўқувчиларда инновацион методлар ва сифат масалалари ёрдамида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган жараён самарадорлигини бир неча даражалар бўйича баҳолаш квалиметрик жиҳатдан тўғри деб топилди

хамда самарадорлик кўрсаткичлари «юқори», «ўрта», «паст», даражалар бўйича баҳоланди (3-жадвал).



5-расм.Ўқувчиларда мантиқий фикрлашнинг ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонлар

Ҳар бир самарадорлик даражасининг хусусиятидан келиб чиқиб, қуйидаги мезонлар шакллантирилди:

юқори даража – мантиқий фикрлашга йуналганлик, мослашувчанлик, фикрлашнинг равонлиги, рационализаторлик кўникмасининг мавжудлиги, мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожланганлик сифатларининг шаклланганлиги, сифат масалаларини ечиш малакасининг шаклланганлиги;

ўрта даража – мантиқий фикрлашга нисбатан онгли муносабатнинг таркиб топганлиги, мантиқий фикрлашга оид назарий билимларнинг ўзлаштирилганлиги, активлик, ташаббускорлик, яратувчанлик кўникмаларининг шаклланганлиги;

паст даража – фикрлашга мойилликнинг йўқлиги, пассив иштирокнинг мавжудлиги, ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган иштиёқнинг пастлиги.


3-жадвал.

Ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларининг ривожланганлик даражаси (миқдор кўрсаткичларида) самарадорлиги

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Қуйи
Тажриба синфи	802	502	220	80
Назорат синфи	800	300	413	87

Юқоридаги жадваллар асосида ўқитувчилар тажрибадан кейинги ва тажрибадан олдинги ҳамда ўқувчиларнинг тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотеза танланди.

Бу кўрсаткичларга мос диаграммалар қуйидагича кўринишга эга бўлди(6-расм):



6-расм. Назорат ва тажриба гуруҳларининг самарадорлик натижалари.

Олинган натижаларга асосланган ҳолда физика дарсларида ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш даражаси математик статистика асосида таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стьюдентнинг танланма мезони, мазкур мезон асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди. Булар 4-жадвалда ўз ифодасини топган:

4-жадвал.

Стьюдентнинг танланма мезони, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлар асосида Физика дарсларида ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш таҳлили

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
2,44	2,02	0,4064	0,6596	1	1	12,35	1870,13	185,34	0,04	0,05
2,44	2,01	0,4664	0,6699	3	5	3,31	122,45	9,99	0,17	0,2

Натижалардан тажрибадан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар Нейман гоёси асосида ишончли интерваллар топилди:

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \quad \bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

Физика дарсларида ўқувчиларнинг тажриба гуруҳларида мантиқий фикрлашнинг шаклланганлик кўрсаткичлари:

$$2,44 - 0,04 \leq a_x \leq 2,44 + 0,04 \quad 2,40 \leq a_x \leq 2,48$$

Назорат гуруҳи учун ишончли интервал:

$$2,02 - 0,05 \leq a_y \leq 2,02 + 0,05 \quad 1,97 \leq a_y \leq 2,07$$

Ўқитувчиларда тажриба якунида:

$$2,44 - 0,17 \leq a_x \leq 2,44 + 0,17 \quad 2,27 \leq a_x \leq 2,61$$

Тажриба боши учун ишончли интервал:

$$2,01 - 0,2 \leq a_y \leq 2,01 + 0,2 \quad 1,81 \leq a_y \leq 2,21$$

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Ўқувчиларда:

$$\text{Бизга маълум } \bar{X} = 2,44; \quad \bar{Y} = 2,02; \quad \Delta_x = 0,04; \quad \Delta_y = 0,05; \quad \text{га тенг.}$$

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,44 - 0,04}{2,02 + 0,05} = \frac{2,4}{2,07} = 1,16 > 1;$$

$$K_{\text{ооб}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,44 - 0,04) - (2,02 - 0,05) = 2,4 - 1,97 = 0,43 > 0;$$

Олинган натижалардан физика дарсларида ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба якунидаги ўзлаштириш тажриба бошидаги ўзлаштириш кўрсаткичидан юқори.

Статистик таҳлил натижасида баҳолар нормал тақсимотга эга, деб ҳисобланди. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилди.

Шундай қилиб, тажриба гуруҳидаги ўзлаштиришлар назорат гуруҳидаги ўзлаштиришлардан юқори экан. Демак, физика дарсларида ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарадорлик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

ХУЛОСА

Олиб борилган илмий-педагогик тадқиқот натижаларининг таҳлили ва яқунларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Изланиш мақсадини тадқиқотда қарор топтириш учун ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлардан фойдаланишнинг педагогик имкониятлари илмий жиҳатдан асосланилди.

2. Ўқувчиларнинг мотивацияси, қизиқишлари инобатга олинди ҳамда ақлий операциялар: анализ, синтез, қиёслаш, умумлаштириш, хулоса ва ҳукм чиқариш каби ҳислатларни шакллантириш тизими ишлаб чиқилди ва уларни ўзлаштириш даражасини текшириш таъминланди.

3. Тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш учун олинган танланмалар, объектларнинг дастлабки объектив хусусият ва хоссаларининг

имкони борича бир хиллигига эришилди. Бунга танланмаларни бир хил қилиб тузиш орқали эришилди. Тажриба-синов ишларининг яқунлари юқори, ўрта, паст, салбий баҳолаш мезонлари бўйича кузатилди.

4. Тажриба бошида амалдаги дастурлар бўйича тадбирлар олиб борилганда натижалар кўрсаткичи сезиларли фарқ қилмаган бўлса, тажриба охирига келиб, тажриба гуруҳи ўқувчиларида мантиқий фикрлаш қобилиятининг ривожланганлик даражаси юқори эканлиги кўринди.

5. Тажриба гуруҳлари ўқувчиларида мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлардан фойдаланишнинг имкониятлари юқори кўрсаткичга эга.

6. Ўқувчиларнинг фанга оид тушунчаларни англаш, уларни солиштириш, қиёслаш хусусиятлари ўрганилди;

- гуруҳ жамоаларидаги педагогик вазият таҳлил қилинди;

- Ўқувчиларнинг фанга қизиқишлари, тақдим қилинаётган топшириқларга мотивацияси инобатга олинди ҳамда мантиқий фикрлашни шакллантириш тизими ишлаб чиқилди ва уларни ўзлаштириш даражаси текширилиши таъминланди.

7. Ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун дарслар оқилона ташкил қилиниши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишлари орттирилиб, уларнинг таълим жараёнидаги фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда баҳс, мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, кубик ва бинго ўйинлар методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи сифат масалаларининг келтирилиши, ўқувчиларни лаборатория ишларини мустақил бажаришга ундаш, ранг-баранг баҳолаш усулларида, таълим воситаларида ўринли фойдаланиш самарали натижаларга олиб келди.

8. Тажриба мобайнида ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлардан фойдаланишнинг педагогик имкониятларидан фойдаланиш технологияси педагоглар томонидан махсус турдаги топшириқлар, мустақил фаолият турларини бажариш орқали рўёбга чиқарилди ва уларнинг самарадорлиги муайян мезонлар ёрдами билан амалга оширилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ТОШПУЛАТОВА ШАХЛО ОЧИЛОВНА

**РАЗВИТИЕ ЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ
(на примере уроков физики)**

13.00.01-Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/Ped40.

Докторская диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) и информационно-образовательном портале “ZiyoNET” (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Ибраимов Холбой Ибраимович**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Шодиев Нарзикул Шодиевич**
доктор педагогических наук, профессор

Каххоров Сиддик Каххорович
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится « _____ » _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2018.Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете. (Адрес:140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.:(0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован по № _____). (Адрес:140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15, Тел.: (0366) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан « _____ » _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от « _____ » _____ 2019 года).

М.М.Махмудова
Заместитель председателя Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

М.А.Файзиев
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

Н.Ш.Шодиев
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Увеличение спроса на человеческий капитал в мире приводит к категории «разум и логика» и является необходимой мерой для оценки деятельности молодежи, которая контролирует культурные, образовательные и социально-экономические отношения. В ведущих мировых образовательных учреждениях разрабатываются эффективные механизмы развития навыков логического мышления обучаемых посредством преподавания естественных наук, интегрированных, интерактивных технологий обучения и реализации виртуальных и экспериментальных проектов для развития интеллектуального и образовательного мировоззрения.

Как всеобъемлющее понимание концепции «интеллект» в мире является глобальной концепцией которая сосредоточена на исследованиях в области развития естественных и конкретных наук, в которых основное внимание уделяется логическому мышлению учащихся, а также расширению требований к качеству и компетенции контента на основе уровня логического мышления. В частности, в контексте глобализации и интенсификации информации роль физики в социально-экономическом развитии любого общества основана на критическом и творческом подходе к науке, изучении первичных функций логики естественных законов и восприятия существования.

В результате последовательных реформ в области повышения качества и эффективности образования в нашей стране было уделено внимание на всестороннее развитие и процветание, создание условий для реализации интересов людей а также возрастают возможности для более широкого развития навыков логического мышления учащихся в общеобразовательных школах. Важно разработать рекомендации по приобретению навыков, а также необходимо расширить технологию развития навыков логического мышления учащихся в преподавании физики. Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан определила приоритеты «дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения качества образовательных услуг, поддержки и реализации творческого и интеллектуального потенциала молодого поколения», а также анализа практики развития навыков логического мышления в процессе преподавания физики, уточнение критериев логического мышления, интеллектуальное развитие учащихся и их способностей.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О стратегиях дальнейшего развития Республики Узбекистан» № ПК-4947 от 29 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования в годы 2017-2021» № ПК-2909 2017 года, Министерство народного образования Республики Узбекистан ПК-3304 «О совершенствовании деятельности» ПК-3304, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 187 от 6 апреля 2017 года «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего

среднего и среднего специального профессионального образования и иного образования» это исследование диссертации в определенной степени реализует задачи, указанные в нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий I.«Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Автором новой книги государственного и общественного строительства в нашей стране была научно-методическая основа этого исследования для последовательных взглядов на духовные и моральные ценности, укрепление национального самосознания и дальнейшей независимости в произведениях первого Президента Республики Узбекистан.

